

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллый Универсиети

Кўлёзма хуқуқида

Қосимов Абдувоҳид Абдувалиевич

Халқаро туристик ва рекреацион зоналар тажрибасини республикамизга тадбиғи

Мутахассислик: 5А440507 – «Ўлкашунослик ва Туризм»

Диссертация

География магистри академик даражасини олиш учун

Иш кўрилди ва ҳимоя

килишга рухсат берилди

Ижтимоий география ва минтақавий

иқтисодиёт кафедраси мудири

проф. Солиев А.С.

Илмий раҳбар:

и.ф.д., проф Абдусаломов. М.

Илмий маслаҳатчи:

г.ф.н., доц. Абдалова З.

«_____» _____ 2006й.

Тошкент-2006

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ

3-4

1-боб. Туризмнинг иқтисодиётда тутган ўрни

4-16

1.1. Халқаро туризм иқтисодиётига назар

4-7

1.2. Халқаро туризм ва иқтисодий ўсиш	7-14
1.3. Давлатнинг туризмга таъсири ва туризмни ривожлантириш сиёсати.	14-16
2-боб. Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти.	17-53
2.1. Ўзбекистон туристик ва рекреацион ресурслари.	17-39
2.2. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё туризмида тутган ўрни.	39-47
2.3. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда Буюк Ипак Йўлиниң аҳамияти.	47-53
3-боб. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг долзарб масалалари ва муаммолари.	53-68
3.1. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда тўсиқ бўлаётган муаммолар.	53-57
3.2. Туристларни қаердан қандай жалб этамиз.	57-62
3.3. Туризмнинг ривожланишида дуне тажрибасидан фойдаланиш.	62-67
ХУЛОСА	67-68
Фойдаланилган адабиётлар.	68

КИРИШ

Евросиё қитъасида ўзининг геосиёсий жойлашуви бўйича туристлар учун ўзига хос янги регион сифатида қаралиб, халқаро ва маҳаллий туризмни ривожлантиришда порлоқ келажак сари дадил қадам ташламоқда. Бой табиий-хом аше заҳираси, эркин меҳнат ресурслари, минтақадаги сўнгги пайтлардаги сиёсий барқарорлик, халқаро авалиниялар тўрининг мавжудлиги туризмнинг кўпгина турларини ривожлантиришга имкон яратади.

Табиат-об-ҳаво шароити, рангаранг ландшафтлари илиқ иқлим шароити туристларни бутун йил давомида қабул қилиш имконини беради.

Ҳукумат томонидан туризм соҳасига эътибор анча ошган. 1999 й 20 августда «Туризм тўғрисидаги» қонунни қабул қилиниши, худди шу йили «Ўзбекистон 2005 йил-

гача туризмни ривожлантириш давлат дастурини» ишлаб чиқилиши бу борада сўзимизнинг исботидир.

Ушбу магистрлик диссертациянинг 1 бобида албатта туризм назариясига ва албатта туризмнинг Дуне иқтисодиётидаги ўрнига бағишлиданади. Унда халқаро туризм иқтисодиёти, халқаро туризмда ўсиш суръатлари, қолаверса туризмга давлат сиёсатининг таъсири ёритилган бўлиб бу борада давлатнинг туризмни ривожлантиришда нечоғли аҳамият касб этиши кўзда тутилган.

II-боб эса Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятига бағишиланган. Унда Ўзбекистон туристик ва рекреацион ресурслари, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё туризмидаги ўрни ва мавқеи, туризмни рвиожлантиришда «Буюк Ипак Йўли» нинг аҳамияти хусусида фикр мулоҳазалар билан танишиш мумкин.

III-бобда асосий эътибор Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш долзарб муаммо ва масалаларига қаратилиб, ундан туризмни ривожлантиришда тўсик бўлаётган муаммолар хусусида ва уни бартараф этиш масалалари ўрин олган. Ундан ташқарии, хорижий туристларни жалб этиш, Дуне тажрибасидан унумли фойдаланиш хусусида Европа давлатлари хусусан Испанияга мурожаат қилинган. Умуман олганда туризм бозорига чиқишнинг ўзига хос йўллари ҳақида фикр мулоҳазалар билан танишиш мумкин.

1-БОБ. ТУРИЗМНИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН УРНИ

1.1 Халқаро туризм иқтисодиётига назар

Туризм бугунгги кунда Дуне иқтисодиётида етакчи ва тез суръатлар билан ривожланиб бораётган соҳа ҳисобланади.

Унинг исботи сифатида туризм ўтган асрнинг иқтисодиёт феномени деб тан олиниб, бошланган асрнинг ёрқин истиқболи соҳаси сифатида қаралмоқда.

Туризмга таъриф боришда турли хил таърфилар мавжуд. Чунончи, иқтисодчилар иқтисодий, географлар географик, социологлар соҳанинг ижтимоий жиатларидан келиб чиқиб таъриф беришади.

Кўпчиликка яхши маълумкит биринчи туристик саёҳат бундан 150 йил илгари Англияда пайдо бўлган. 1841 йил тадбиркор Томас Кук темир йўл вагонларила 600 кишини сайр саёҳатга олиб чиқкан. 1845 йили эса худди шу ишқибозлар учун Ливерпул бўйлаб саёҳат уюштирилган. Фақатгина XX асрнинг иккинчи ярмидагина туризм жаҳон хўжалигини динамик ўсаётган соҳаси сифатида тан олинган.

Хүш туристлар ўзи кимлар ва қандай холларда уларни турист деб аташимиз мүмкину, қандай ҳолларда йўқ. Халқаро нормаларга амал қилган ҳолда БТТ (ВТО) ўзининг классификацияларини ишлаб чиқкан.

1-жадвал.

Ташриф буюрувчиларнинг халқаро классификация туризм статистикасига кирувчи сайёхлар.



Юқоридаги жадвалдан күриниб турибдики ўша ҳолларда кишилар туризм статистикаси рўйхатидан ўтиб республикага турист сифатида кирганларни маълум бўлади ва аксинча БТТ классификациясига кўра қуидаги ҳолларда улар турист деб хисобланмайди. Эътиборингизга қуида Ушбу жадвални ҳавола этамиз.

2-жадвал.

Туризм статистикасига кирмайдиган сайёҳатлар.



Ушбу жадвал бугунги кунда БТТ га аъзо давлатлар томонидан қабул қилиниб туристларни рўйхатга олиш ёки алмаслик бўйича юзага келадиган турли хил тушунмовчиларга содда ечим топиб беради.

Халқаро туризмни ривожлантиришнинг 4 асосий таянчи бўлиб, булар:

- ўсиш;
- глобаллашув;
- нозиклик;
- Ўз-ўзини тезда ўнглаб олиш.

Юқоридаги хусусиятларни ўзида мужассам эта олган давлат ёки ташкилотгина туризм соҳасида етакчилик қила олади..

1990 йилларга келиб туризм соҳасида қатнашганлар 550 минг кишини ташкил қилган эди. 2004 йилга келиб 760 млн кишига етди. Дуне инвестиция қўшилмаларининг 10% и туризм соҳасига тегишли бўлиб келмоқда. Умумий Дуне бандлигига тегишлидир. Дуне ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг 4% тўғри келмоқда.

Юксак ва барқарор ўсиш суръатлари натижасида туризм соҳаси ўзига инвесторларни жалб қилишда давом этмоқда. Уларга Дуне капиталини қайта тақсимоти учун кенг кўламдаги шароитлар яратиб бермоқда. Катта ҳажмда кириб келаётган валюта интеграциялашув ва юқори технологк ривожланишни тақозо этиб, ривожланган давлатларда ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти ва унинг экспорт салоҳиятини янада ошириш учун хизмат қилмоқда.

Бошқа муҳим жиҳатларини ҳам қўрадиган бўлсак туризмнинг ривожланишини авваламбор янги иш ўринларини яратилишига, миллий даромадни ўсишига, ривожланаётган давлатларда қашшоқликни камайишига олиб келади. Халқаро туризмни кишилар ва жамият ҳаётини фаровонлигига таъсирини юқорилигини хисобга олган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮМТ) Бутун Жаҳон Туризм ташкилоти билан хамкорликда туризмнинг барқарор ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишид.


1.2. Халқаро туризм ва иқтисодиётга ўсиш

Мутахассислар таъкидлашича, ушбу соҳанинг ўсиш суръатини билиш учун уни Дуне иқтисодиётидаги ўрни ва йиллик ўсиш суръатини кузатиш керак экан. Шундай экан уларнинг фикрича Дуне иқтисодиётида 4% дан ошсагина ўсишга эришилди дейиш мумкин.

Агарда Дуне иқтисоётида 2% га тушиб қолса халқаро туризм соҳаси ҳам катта суръатда пасайиш кузатилади.

3-жадвал.

Дунёнинг барча давлатларидан ташриф буюрган халқаро туристлар динамикаси (млн. киши).




1970 дан 2000 йилларда ўртача йиллик ўсиш Дуне иқтисодиётида 3,3% % ни ташкил қилган. Ўртача йиллик ўсиш эса туризм соҳасида тахминан 4,7 % га ўсди. Хулоса қилиб айтсак туризм соҳаси Ушбу даврда 1,3 марта тезроқ ўсишга эришган.

БТТ баҳолашига 2004 йилда рекорд ўсиш қайд этилган (10%) халқаро туристлар қатнови 2003 йилга нисбатан албатта. Худди шундай холат 1984 йили Дуне иқтисодиёти «!нефт бўхрони» натижасида инқирозга учраб оёққа туроётган маҳалда кузатилган эди.

1-график

Дунёда халқаро регионлар бўйича туристлар ташрифи (фоизда).




Туристлар ташриф буюрувчи регионлар ва Тинч океанда содик қолган ҳолда Европа ва Ўрта ер денгизи ҳавзаси эгаллаб келмоқда. Лекин 1990 йиллардан кейин Осиё ва Тинч океани ҳавзаси миңтакаларининг тез суръатлар Билан ўсиши кузатилган. 2003 йилга нисбатан халқаро туристлар келиши миқдори 69 млн кишига 2004 йилда кўпайди. Ушбу ўсиш қўйидагича тақсимланади.

Африка-2 млн, Америка-11 млн, Шаркий Осиё ва Тинч океани-34 млн ҳавзаси Жанубий Осиё-0,5, Европа-16 млн, яқин шарқ-6 млн.


Хозирги кунда халқаро туризмни келадаги қандай деган савол бўлиши табиий. Демак барибир бизнес яъни пул ва қанча фойда келтириши хусусида гап кетади. Қуйида келтириб ўтадиган жадвалимиз ҳам айнан унинг молиявий имкониятларига тааллуқли.

Халқаро туризмнинг иктисодий маъноси



2-график.

**Халқаро туризмдан тушаётган маблағлар
(млрд. АҚШ доллл.).**



Юқоридаги жадвалимиздан маълум бўлмоқдаки, ҳар қандай вазиятда ҳам туризм маблағлар туризмини у қанчалик юқори ўсмасин олдиндан башорат қилиш мушкул.

Лекин шунга қарамай БТО «туризмни 2020 йилгача ривожланиш» концепцияси ни ишлаб чиқан. Уларнинг башоратига кўра 2010 йилга борув туристик қатновлар сони 1 млрд дан ошиб кетади.

4-жадвал

БТТ 2010-2020 йиллар учун халқаро туристик қатновлар башорати (млн к.)

	База йили 1995	Башорат		Ўртача йил- лик ўсиш (%) 1995-2020	Туризм бозори- даги улуши	
		2010 й.	2020 й.		1995 й.	2020 й.
Бутун жаҳон	565,4	1006,4	1561,1	4,1	100	100
Африка	20,2	47	77,3	5,6	3,6	5
Шарқий Осиё	108,9	190,4	282,3	3,9	19,3	18,1
Тинч океани ҳавзаси минтақаси	81,4	195,2	397,2	6,5	14,4	25,4
Европа	338,4	527,3	717	3	59,8	45,9
Яқин шарқ	12,4	35,9	68,5	7,1	2,2	4,4
Жанубий Осиё	4,2	10,6	18,8	6,7	0,7	1,2
Регионалар аро жой- лашув	464,1	790,9	1183,3	3,8	82,1	75,8
Узок масофада жой- лашув	101,3	215,5	377,9	5,4	17,9	

2020 йилга келиб Шаркий Осиё ва Тинч океани ҳавзаси минтақаси 2-ўринга кўтарилиб олишади. Аксинча Америка қитъаси ва Европанинг улуши камайиб бориши кузатилади. Бундан ташқари БТТ фикрига кўра Яқин шарқ минтақасида ҳам сезиларли ўсиш кузатилади.

Мухим ва асосий туризм бозорининг сегментлари хусусида гап кетганда 2000-2020 йиллардаги сегментларини кўриб чиқамиз.

- Қуёш ва пляж
- Спорт туризми (сув ва қишки турлари)

- Саргузашт туризм
- Табиатлар қишлоқ туризми экотуризм
- Маданий туризм
- Шаҳар туризми
- Круизлар
- Тематик парклар
- Конгресс туризми

Шуларни ҳисобга олган ҳолда туристик маҳсулот бозорга уч нарсага қаратилиб олиб чиқилади: 1) Кўнгилочар. 2) Экстремал хиссиёт. 3) зиёрат.

Бундан ташқари Туризмнинг динамик ривожланишида кенг кўламда авикакомпаниялар хизматлари, турларнинг ўзига тортувчи шароити, халқаро туристик маршрутларни амалга оширишда валюта айирбошлиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Чунки европанинг қимматлашиб кетиши (АҚШ \$ га нисбатан) Европага туристларни қўпроқ жалб қилишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Бундан ташқари барқарор вазиятда халқаро туризмини ривожланиши ва ўсиши туристларни қабушл қилувчи аҳолини ва ўша давлатни қўшимча фойда кўришига олиб келади. Шунинг учун ҳам табиийки ушбу кўрсаткичлари юқори бўлган давлатлар иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Тахминан 35 % халқаро туристик ташрифлар 2004 йили дунёнинг 5 та давлати ҳисобига киритилд. Булар: Франция-11%, Испания-7,4 %, АҚШ-6%, Италия-5,? Ва Хитой -5,7 % дан тўғри келди.

5-жадвал

2003 йилда ташриф буюрган чет эллик туристларни мутлоқ рақамдаги ҳолати ва давлатлар рейтинги.

№	Давлатлар номи	Ташрифлар (млн киши)	100 кишига тўғри келган ташриф
1	Франция	77	179
2	Испания	51,7	179
3	АҚШ	41,9	15
4	Италия	39,8	69
5	Хитой	36,8	3
6	Б.Британия	24,2	40
7	Канада	20,1	63
8	Мексика	19,7	19
9	Австрия	18,6	228
10	Германия	18	22
11	Гонконг	16,6	27
12	Венгрия	15,9	158

13	Греция	14,7	133
14	Польша	14	36
15	Малайзия	13,3	59
16	Турция	12,8	19
17	Португалия	11,7	116
18	Таиланд	10,9	17
19	Швейцария	10	137
20	Нидерландия	9,6	60
21	Россия	7,9	5
22	Саудия Арабистон	7,5	32
23	Швеция	7	84
24	Сингапур	6,9	157
25	Хорватия		158

Юқоридаги жадвалда акс этган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки дунёning 25 та етакчи давлатлари орасида Гонконг ва Австрияда ҳар бир резидентга 2 тадан турист тўғр келмоқда. Агар масалани бу томони яъни ҳар бир кишига тўғри келадиган турист нуқтаи назардан қараганимизда унда сўзсиз Макао ва Андорралар етакчилик қилишган бўларди. Чунки уларда ҳар бир кишига Андоррада-5 турист, Макаода 10 турист тўғри келган бўларди.

1.3. Давлатнинг туризмга таъсири ва туризмни ривожлантириш сиёсати.

Дунё иқтисодиётида жадал ривожланиб, унда ўз ўрнини муносиб эгаллаб турган туризм соҳаси олдида бугунги кунда ўз мавқеини ушлаб қолиш, қолаверса қисиҳ суръатларини янада ошириш каби долзарб вазифалар турибди.

Мазкур вазифаларни бажаришда жаҳон тажрибасидан Давлат туризм соҳасини бевосита туризм вазирлиги ёки миллий туристик ташкилотлар орқали тартибга солиб турди. Ундан ташқарии бошқа хил дастаклари ҳам мавжуд, улар орқали таъсирини ўтказади ва ўзининг инфраструктураси ва халқаро сиёсатини яхшилаб юритади. Давлат туризмга 2 йўл билан таъсир кўрсатади: талаб ва фойда ёки таклиф ва нархлар орқалидир.

Талабларни бошқаришда давлат восита сифатида маркетинг ва силжишни кўрсатади.

Туризмда маркетинг тадқиқотларни ўтказиш учун аввалимбор Аниқ ўйланган ва ишлаб чиқилган режа бўлиши керак. Ундан ташқарии туризм бозорини яхши ўргангандан бўлиши керак. БТТнинг тавсиясига биноан тадбирлар уюштириш керак. Унда давлатнинг имиджини кўрсатиш керак. Давлат имиджини кўрсатишнинг турли хил усуллари бор. Уларнинг орасида сифатларини танлаш керак. Масалан: турли хил рекламалар, брошюралар, видеослайдлар, ярмарка-кўргазмалар орқали ва ўз ходимларини чет элларга измат

сафарларига жўнатиш, чет элликларни хизмат доирасида чет элликларни хизмат доирасида қабул қилиш шулар жумласига киради.

Давлатнинг нархлари ва туристик хизматларга таъсири кўриш мумкин.

Асосий диккатга сазорвор жойлар, йирик авиакомпаниялар, баъзи ҳолларда ҳатто меҳмонхоналар ҳам давлат ихтиёрида бўлади. Ундан ташқарии ижтимоий-инфраструктура ва транспор алоқаси монополияда бўлади. Бу табиий албатта. Агарда ундей бўлмаган ҳолларда ҳам давлат эгри йўллар орқали иқтисодий дастаклаб туради. Масалан: валюта назорати яъни валюта айир бошлишни чеклов натижада туристлар валютани қиммат баҳода айир бошлишга саёҳат ҳаражатлари қимматлашиб кетади; Ёки бўлмаса сотищдан тушадиган налоглар орқали давлат ундан ташқарии талабга лицензия ёки сифатий томонни чеклови билан ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Давлатнинг нархларни тартибга солиш сиёсати бозор иқтисодиёти шароити хос эмас. Лекин миллий компанияларни тез фурсатда келажакни уйламаган ҳолда мўмай даромад ишлаб шу билан бирга давлат обрўсига путур етказиб қўйишини олдини олиш учун ҳам зарур ҳисобланмоқда. Бундан ташқарии, Давлат нархларни назорат қилиш орқали туристларни манфаатларини ҳимоя қилиши ҳам мумкин, яъни уларни юқори ҳаражатлардан асраб қолиб давлат обрўйсини сақлаб қолиш кўзда тутилиши мумкин.

Талабларни тартибга солища турли хил давлатлар турли йўл тутишади. Баъзилари турситларни келишини чеклаб қўйишиди, яъни визаларни камайтириб, манзарали жойлардаги меҳмонхоналар қурилишига рухсат берилмайди. Ёки экологияни асраш мақсадида ёпиб қўйишиди. Талабни бошқариш учун давлат таклифни кўриб чиқади. Масалан: туризм бозорини тадқиқ этиш режалаштириш учун туризм статистикасини кузатиш, солиқ ва инвестицияларни ўрганиш.

Туризм соҳасига инвестиция киритилиши асосан давлат ёки нодавлат ташкилотларидан ўбилб баъзи ҳолларда халқаро манфаатдор ташкилотлар томонидан киритилади. Умуман олганда туризм соҳасига молиявий ёрдам ёки субсидияларни давлат киритади. Лекин унинг қай даражада эканлиги ва самараси туризмни мамлакат иқтисодиётида ўрни билан боғлиқдир. Бу вазиятда давлат чет Эл инвестирларини жалб қилишда фаол иштирок этади.

Тан олиш керакки, туризмга сармоя киритиш жуда нозик масала ва тез ҳолда куйиб қолиш ҳам мумкин. Шунинг учун бу вазиятда давлат кафолати рол ўйнайди. Ана шундай ҳоларга тушиб қолмаслик учун эса утрли хил заёмлар, имтиёзлар, узоқ муддатли кредитлар ажратиш йўлга қўйилади. Масалан: Греция ва Партугалияда имтиёзли заёмлар бериш йўлга қўйилган. Франция, Италия, Б.Британия асосий эътиборни субсидияларга қаратган. Испанияда эса импорт товарга ҚҚСни пастлигини келтириб ўтиш мумкин. Ту-

ризм соҳасига кириб келаётган халқаро инвестициялар бевосиа халқаро ташкилотлар ёрдамида кириб келади. Асосий хорижий заёмчилар бу Жаҳон тараққиёт ва тикланиш банки ҳисобланади (ЖТТБ). Уларнинг асосий йўналишлари эса нормал хаёт даражасида ривожланиб келаётган давлатлардаги инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган.

Бу борада Европа иттифоқи ҳам четда қараб турмайди. Европа регионал ривожланиш фонди (EFRD) орқали Иттифокнинг суст ривожланган давлатларига ёрдам кўрсатишга қаратилган. Бугунги кунда фонд (1975 й. тузилган) евоопа қишлоқ туризмини Яна кўтариш орасидаги лойиҳаларга хомийлик қилиб келмоқда. Ушбу фонднинг грантлари 40 йилга мўлжалланган бўлиб, бошидаги 10 йилда 1% йилига миқдорида борилади. Ундан ташқарии Европа инвестицион банки (EIB) улар сўнгги пайтларда Ла-манш тунелини қурулиши, Париждаги Диснейленд, Германиянинг Франкфурт, Мюнхен ва гарбург шаҳарлари аэропортларини кенгайтиришга маблағ ажратди.

Хусусий секторни ушлаб қолишда давлат албатта фаол рол ўйнайди. Лекин шунга қарамай суст бозор иқтисодиёти шароитидаги давлатларда давлат аралашуви аҳволни ёмонлаштириб қўйиши ҳам мумкин экан. Бунга мисоллар кўп.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ.

2.1. Ўзбекистон туристик ва рекреацион ресурслари.

Қисқача Ўзбекистон тарихига назар.

Ўзбекистон худудида дунёning қўхна шаҳарлари қад кўтарган. Масалан, Темур империясининг маркази 2500 йиллик Самарқанд шаҳри. Юртимизни архитектура ёдгорлиги дунёning лол қолдиради. Ёдгорликларни катта қисми эса буюк ипак йўлига ҳам дахлдор. Булар Оқсарой, Шаҳрисабздаги Бухоро қалъаси, музей шаҳар Хива ўзининг минг йилликларга бориб етадиган тарихига кўпа ушбу юрт бир қанча цивилизацияларни ҳам бирлаштирган. Бу ерда руслар, тожик, қозоқ, татар, қирғиз, корейслар истиқомат қилади.

Ўзбекистон ҳақида гап кетар экан унинг жаҳон савдосини ривожланишига қўшган ҳиссасини эътироф этмай илож йўқ. Давлатимиз ўз анъаналарига содик ва кўп асрлик қишлоқ хўжалиги маданиятини ҳам ўзиа мужассам этган. Эрамиздан аввал 6 асрдан бошлаб Ўзбекистон ҳуккудий Ахмонийлар империяси остида бўлган. Эрамиздан аввалги 4-асрдан эса Александр Македонский томонидан босиб олинан. Ундан ташқарии, тарихдан маълумки форс қўшинлари ҳам бир неча марта эгаллашди.

8-асрдан бошлаб араблар бу ерга Исломни олиб киришади. 15-асрдан Амир Темурнинг кириб келиши билан унинг довруғи ва кучи ўзини намоён қила бошлайди.

Темур ўзининг бцуюк империясини сарҳадларини ҳозирги Хитойдан тортиб ўрта ер денгизигача бўлган ҳудудлар билан кенгайтиради.

1510 йилдан бошлаб Трансаксания ўзбеклар юрти ҳисобланиб, пойтахти этиб Буҳоро шаҳри. Бундан ташқари, Амударё қўйида Хива хонлии мавжуд эди. таҳт учун Ушбу хонлик ва амирликлар ўртасидаги доимий кураш овни 200 йилликни ташкил этди. 1858 йил Россияга Александр II томонидан қўшиб олинади. Волинвиклар келиб революциядан кейин собиқ СССРга қўшилади. Фақатгина 1991 йили ўз мустақиллигига эришади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон тақдирни ва келажаги ҳозирги президент И.А.каримов билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистонда туризмни ривожланиши асосан унинг қайси турларини олдинги планга чиқиши билан кузатилади. Масалан: Архитектуравий-маданийтуризм, рекреацион, саргузашт экологик туризм турлари ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Архитектура ёдгорликлари.

Архитектура борасида сўз юрганда Ўзбекистоннинг улкан салоҳиятига кўзимиз тушади. Унга эса албатта темурийлар даври архитектураси муҳим рол ўйнайди. Чунки деярли 90% архитектура ёдгорликлари Темур даврига тўғр келади. Темур ўз давлати пойтахти этиб Самарқандни танлангандан сўнг Кичик Осиё, Азарбайджон, Кавказ, Ҳиндистон, Эрондан ва бошқа худудлардан рассомлар ва усталарни жалб этиб санъат асарларини барпо эттирган. Хўш архитектура ёдгорликларини асоси нималардан ташкил топган.

Масjid - Аллоҳнинг уйи, яъни мусулмонлар ибодати ўтадиганларни эса масжид-шаъни дейилади.

Минора - араб тилидан жума ва бошқа намозлар учун мусулмонларни чақирувчи жой асосан Мадинада пайдо бўлиб мусулмон давлатларига хос бинодир.

Мадраса – араб тилида бу таълим ва қироатхона ҳисобланади. Марказий Осиёда бу 9 асрдан бошлаб пайдо бўла бошлаган исломнинг энг олий мактаби саналиб келинган.

Карвон Сарой – Анъанавий карвонлар тўхтаган жой. Айниқса буюк Ипак Йўли учун Осиё ва Хитойни Европа билан боғлиш учун жуда қулай бўлган. Кейинчалик ривожланиш натижасида бу жойлар тиҷорат ва савдо масканларига айлантирилган. Марказий Осиёда карвонсаройларнинг ривожланиши 11-12 асрларда кузатилган.

Бозор – ислом шаҳарларининг маълум бир ҳудуди. Иқтисодий фаолиятни ташкил этиш жойи бўлган. Бозор нафақат савдо маскани, балки иш фаолиятини ташкил этиш марказлари ҳамdir. Тарабга қараб бозорлар ўз ҳудудини кенгайтириб бориш хусусиятига эга.

Айвон – очик Мехмонхона яъни ҳовлига қаратилган бўлиб, классик услубга эгадир.

Хонақо – илгари дарвешлар яшаган жой бўлган асосан суфийлик таълимоти масканлари сифатида акс этган.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ.




Тошкент марказий майдонидаги фонтан



Тошкент боғидаги фонтан



тунги Тошкент кучалари



Тошкент манзараси Олдинин планда Тошкент шаҳар хокимияти



Тошкент марказий майдонларидан бири



Тунги Тошкент



NBU биноси.
Халкаро интерконтинентал меҳмонхонаси



Тунги Тошкент



А.Навоий номли опера ва балет катага театри

Эски шахардаги ёпик бозор



Князя Николай Константиновича Романовнинг собик саройи

Ўзбекистон пойтахти собиқ Иттифоқ пайтидаёқ энг катта (4-ўрин) шаҳарлардан бири эди. Ҳозирги кунда таҳминан 2,5 млн киши истиқомат қилади. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг энг қоқ марказида жойлашганлиги сабабли ҳам халқаро ҳаво йўлларининг ҳам маркази ҳисобланиб келинмоқда. 1966 йили кучли зилзила туфайли 2000 йиллик тарихий мажмуаларини анча қисми йўқ бўлиб кетди. Лекин шунга қарамай кўпчилик ҳанзагача энг Марказий Осиё пойтахтлари орасида тарихийси сифатида эътироф этишади. Мустақилликдан кейин Россияга кетмаган ёки хоҳламаган славенлар шу ерда қолишиди. Чунки ҳали ҳануз аҳолини деярли 40% русча сўзлашади. Аксарияти тушунади. Эски шаҳар бўйлаб сайр қилиш ўзгача гашти бор. Мисол учун Кўкалдош мадрасиси йирик академиялардан бири бўлиб 16 асрда барпо этилган. Ҳар жума кунлари унинг майдони диндорлар билан тўлиб кетади. Унинг яқинида кичикроқ Жомеъ масжиди қад кўтарган (15 аср) Чорсу бозори жудаям катта очик майдондан ташкил топган у кўклдош мадрасаси яқинида жойлашган.

Санъат музейи 1937 йили ташкил топган анъанавий Тошкент услубида курилган. Айниқса унинг ичидаги буюмлар кўпроқ кизиқарлиролқ. Ундан ташқари геология, темир йўл, тарих, адабиёт, археологияга тегишли бошка музелар ҳам мавжуд.



Тошкент ёдгорликлари:

- Кўкаaldoш Мадрасаси
- Каффол Шоший мақбараси (15 аср)
- ҳазрати Имом архитектура мажмуаси (16 аср)
- Абул Қосим Мадрасаси (19 аср)
- Бароқ Хон мадрасаси (16 аср)
- Амир Темур майдони

- Ҳаст Имом майдони
- Бозор Чорсу.



Тошкент музейлари

■ Халқ амалий санъати музейи.

Музей 14 асрнинг охирларида очилган. Миллий маҳсулотларни қўлда ясалгандар: керамика, заргарлик буюмлари, кашта, ёғоч ўймакорлиги кабилар.

■ Санъат музейи.

1918 йили асос солиниб Буюк Князь Николай Константинович Романовнинг шахсијий коллекциялари ўрин олган. Унда /арбий Европа Россия Ўзбекистон усталарини ишлари ва қолаверса график санъат усталари Бирма, Япония, Хитой, Ҳиндистоннинг ҳам ишлари сақланади.

■ Амир Темур музейи.

Музей 1996 йили Ўзбекистон президенти декрети билан очилган. Унда оригинал бўлмаган 1674 та буюмлар, ҳужжатлар, расмлар ва археология ва этнографияга оид қўллўзмалар ҳам мавжуд.

БУХОРО ШАҲРИ.

Бухоро шаҳри денгиз сатҳидан 226 м баландликда жойлашган. Бухоро вилоятининг маъмурий маркази ҳисобланади. Қоракўл чўли билан чегарадош. Шаҳар ўзи Амударёнинг шарқий қирғоғида жойлашган. Бухоро ўзи тарихдан географик жойлашувига кўра карvon йўллари учун муҳим аҳамият касб этган ҳудуд бўлган.

Бухорога Тошкентдан самолёт орқали 1 соатда борса бўлади (700 км).

Бу ҳудудда 140 дан ортиқ тарихий сақланадиган обидалар мавжуд. Уларнинг ичida энг машҳурлари Бало Хауз (17 аср) сув яқинида майдон, Минораи Калон (12 аср) 49 метрлик Исмоил Самоғий мақбараси бу энг қадимиylаридандир 905 йили қурилиши тугаган.

АРК-Самонийлар даври маданият намунаси Регистон майдонида жойлашган бўлиб, Амирнинг саройи ҳисобланган 1919 асрда қайта таъмирланган.

- Исмоил Самоний мақбараси


Киров боғида жойлашган, эски шаҳар қисмида эмас, Исмоил ибн Аҳмад қабри ҳисобланади.

- Регистон майдони-«Қумли жой» 15 асрдан то 20 асргача шаҳарликлар ибодат қилувчи жойи бўлган, унда Минораи Калон қад кўтарган. У 1127 йили қурилган, барчasi эшитдан бўлиб, чиқиш зинаси 105 зинапоядан иборат.

- Қўш – Мадрасаси.

Регистон майдонининг жанубий шарқий қисмида жойлашган бўлиб қуръон ўқитиши мактаби саналган. Яъни икки мадраса Абдуллахон (1596/98) ва Мадари хон (1556/57) мажмуаларидан иборат.

- Улуғбек Мадрасаси 1417 йил Регистон майдонинг ғарбида жойлашган. Бухородаги қадимий дин мактаби саналади. Амир Темурнинг набираси Улуғбек томонидан (1393-1449 йй) асос солинган. Кизил дараҳтдан ишлов берилиб, тепасига қуръон оятларидан ёзиб қўйилган.
- Лаби Ховуд мажмуаси-1700 йили қурилиши тутатилган мажмуага масжид қолдиклари киради. Сув ҳавзаси ёнида жойлашган.



Токи-Заргарон (қадимий заргарлик маскани 15- аср)




Намазгоҳ масжиди (14-16 аср)



Магоки-Аттари масжиди
(12-16 аср)



Масжиди
Баланд
(15-19 аср)



Бала-Хауз масжиди (ичкари)



Бала-Хауз масжиди (18 аср)




Чар-Минор масжиди(19 аср)



Улугбек мадрасаси (15 аср)



Абд'ал-Азиз хон мадрасаси (ички)



Абд'ал-Азиз хон мадрасаси
(17 аср)



Чашма-Аюба макбараси
(14 а)



Самонийлар
макбараси (9-10 а-р)



Чар-Бакр мажмуаси (14 а)

Бахоуддин Накшбандий мажмуаси
(шакхорни)

Бахоуддин Накшбандий мажмуаси (16 аср)



Кадимий шахар орка томондан қуриниши

Ситора-Мохи-Хоса саройи
(ички)

- Чор Бакр мажмуаси.

Бу ерга Жуйбари шайхлар оиласи дағн этилган (1560/63).

- Хожа Зайниддин мажмуаси.
- Абдуллазизхон мадрасаси (1652 й.)
- /овшукон мажмуаси (16 аср).
- Хонақо (1555 й.)
- Пой калон ансамбли (12 ва 14 асрлар).
- Кўкалдош мадрасаси (1568/69).
- Нодираж Девон-Беги хонақоси (1620)
- Бало Ховуз масжиди
- Сайфиддин Бахорзи мақбараси (13-14 асрлар)
- Буён қули Хон мақбараси (15 ёки 16 асрлар)
- Намозгоҳ масжиди (12 ёки 13 асрлар)
- Файзаобод Хонақоси (1598/99)

- Чор Минор Масжиди (1807)
- Кутубхона тўлалигича Абу Али ибн Синога бағишиланган. (980-1037) у ерда 175 000 том китоблар мавжуд. Ундан ташқарии навоий, Фирдавсийга оид китоблар ҳам бисёр.

ХИВА ШАҲРИ.

Деярли 8 асрдаёқ қалъа мавжуд бўлган бу шаҳар асосан Буюк Ипак Йўлини Каспий дентизи Билан боғлаб турувчи бўлган. 16 асрдан эса Темур империяси пойтахти деб қаралган.

Хозирги кунда Хива энг тинч ва осойишта масканлардан бири Урганч шаҳридан жанубий-ғарбга караб 35 км.

Хиванинг қадимий марказига Кўш дарвоз орқали кирилади. Ушбу музей шаҳарда ҳеч ким яшамайди. Хаво ранг керамик буюмлар Ичак қалоъаси бир қисмини ташкил эта-ди. Асосий тарихий обидалар ҳаммаси эски шаҳар қисмида бўлиб ЮНЕСКО томонидан муҳофазаланади. Улар орасида:

- Тош ҳовли саройи (1830/36): Хонларнинг қадимий қароргохи бўлиб, унда Ҳааром, Қабул хона ва суд зали мавжуд. Умумий 160 та хонаси бор.
- Пахлавон Маҳмуд Мақбараси (1247/1325): бу Қўнғирот сultonларининг ғуру-рига атаб қурилган. Бу ер шаҳардаги энг муқаддас жой саналади.
- Жума масжид ва минораси (1788/89): 10 асрда ташкил қилиниб, 18-асрда қай-тадан қурилган. Текис томли жуда катта меҳмонхонаси мавжуд.
- Кўхна Арк қўрғони (1696/88) Арангхон томонидан қурдирилган, 19-асрга келиб Оллоқулихон бу ерда элчи ва ваколотхона вакилларни қабул қилган.
- Сайд Алоуддин мақбараси 14 асрда барпо этилиб, ҳозир ҳам ўз кўринишида сақланиб қолган.
- Олло Қулихон мадрасаси (1834/35): Тўғри бозорга олиб чиқадиган Хиванинг ғарбий дарвозаси яқини жойлашган. Архитекторлик қурилишида турان давр маданиятини акс эттирган.
- Катта Минор минораси (1855) кўк плиталардан терилиб ажойиб манзара ҳосил қилган. Яна бошқа тарихий обидалар қисқача қўйидагилар киради:





- Оқ мачит (1832/42).
- Сайд Бой масжид ва мадрасаси (18 а.б.-19 а.о.).
- Қутлуғ Мурод Иноқ Мадрокаси (1804/12).
- ОллоҚулихон кўприги ва карвон саройи (19 аср).
- Абдуллахон мадрасаси (1865).
- Ануш Хон масжид ва саройи (1657).
- Муҳамад Аминхон мадрасаси (1851/52).
- Тўра Мурод минораси (1851/52).
- Амин Хон мадрасаси (1871).
- Шерғози хон мадрасаси (1718/20).
- Бўлғонди масжиди (19 аср).
- Арабхон мадрасаси (1838).

САМАРҚАНД ШАҲРИ.

Марказий Осиёning энг қадимий шаҳри саналади. Самарқанд эрамиздан аввалги 5-асрда асос солинган. Бир қанча вақт Сўғдиёна давлати пойтахти бўлиб, Мароқанд деб аталган.

Энг кўп ташриф буюрадиган жойи бу эса шаҳар қисми бўлиб, 15 асрга оид деярли ўзгарманган.

Энг катта биноси Марказий Осиёда бу Реги самбли билан уйғунлашиб кетоган. Бу ерни Темур империясини дурдонаси деб аталган. Шохи Зинда мақбарасида Темурийлар оиласи кўмилган. У ерда Мухаммақд саллолоҳу аллайҳиссалом вассаламни амакиларини ўғли ҳам дафн этилган.



Тилла Қори мадрасаси (1647-1660) илгари тилла билан қопланган бўлган. Ҳозир эса ундаи эмас. Катта айвон иккита аркаси билан, бурчакда жойлашган миноралар билан қилинган. Бибихоним ансамбли (1399-1404) унга катта мадраса киради. Ушбу жойда жума

ўқиладиган масжид бор. У масжид Амир Темур суюкли хотини Хитой хоқонини хотинини кизига аталган:

- Гўри Анвар мақбараси. Бу мақбара (1404) Амир Темур фармони билан унинг энг севимли набираси (жангда 20 ёшида халок бўлган) га атаб қурдирган. Ундан ташқарии у ерга иккита ўғли, устози шайх ва астроном Улугбек дафн этилган. Ички ҳовлиси ҳам мавжуд. Чап томонида мадраса. Ундан ташқари айвон мавжуд.
- Рухаобод мақбараси. 1380 йил Бурхон ад-Дим Зағаржий шарафига қурилган. Регистон майдонининг жанубий шарқида жойлашган.

Бошқа тарихий обидалари:

- Хазрати Хизр масжиди (19 аср 1-ярим)
- Чорсу Бозори (18 аср).
- Оқ Сарой мақбараси (1470).
- Намозгоҳ масжиди (17 аср)
- Ичрат хона мақбараси (1464).
- Хўжа Ахрор масжиди (16-20 аср).
- Чўлпон Ота мақбараси (1430-1440).

ШАҲРИСАБЗ

(Аблуллахон мадрасаси, минораси Исламхужа

Шаҳрисабз Самарқанддан жанубидаги 90 км узоқликдаги унча катта бўлмаган шаҳар бўлиб, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига қурилиши бўйича анча ўхшаб кетади.



Сомонийлар ва Турклар ихтилофига қарамай 9-10 асрларда ривожлана бошлаган.

Бу шаҳарда Буюк Амир Темур таваллуд топган. Амир фармони билан бу срда унинг ёзги қароргоҳи Оқсарой қад кўтарди.

- Оқ асарой қароргоҳи (1380): Амир Темур Хоразмни забт этгач қурдирган. У ерда 2 та минора бўлиб баландлиги 50 метр, 22 метрли АРПА эса ўзгача кўриниш бериб туради.
- Кўк гумбаз (1435) жума масжиди ҳисобланади. Бу ердан фақат асосий кириш жойи ва тўртбурчак меҳмонхона усти гумбазли қолган.
- Даруссиёdat мажмуаси. Шоҳ оиласига хизмат қилувчи жой. У ердаги уларни дафн этилган жойидан ташқари намоз ўқиши жойи бор.

• Чорсу Бозори ва Ҳаммом (18 аср) шаҳар марказида йўллар кесишиган жойда гумбази бор. Ер остидан келувчи труба қувурлар орқали Ҳаммом ишлайди. 15 асрда курилиб 18 асрда қайта қурилган ҳозирги ҳолатини сақлаб қолган.

ФАР/ОНА ВОДИЙСИ.



Мовий кул



Яшил кул.



Шахид дараси .



Яшил кул.




Шахид дараси



"Ленинградец" чуккиси




Эдельвейслар



"Замок" чуккиси Дугоба.

Бу ҳосилдор доимий ям-яшил воҳа шимолдан Тянь-шанъ жанубдан Помир Олой тоғлари билан ўралган. Ўзбекистоннинг аҳолиси энг зич жойлашган ҳудуди ҳисобланади. Ундан ташқари ипак тайёрлаш маркази ҳамдир. Транспорт узели эса Фарғона- Қўқон-Марғилон асосийдир.



ҚЎҚОН ШАҲРИ.

Фарғона водийсида жойлашган бу шаҳар хунармандчилик ва халқ Амалий санъати ўчоғларидан саналади. 10-асрда муҳим марказлардан бири

бўлиб, 18-асрларда мустақил Бухоро амирлигини пойтахти саналган. Айниқса Норбу табиий мадрасасини кўрсатиш мумкин.

ТЕРМИЗ.

Сурхондарё вилояти маркази бўлиб Амударёдаги дарё порти шахри хисобланади.

Эрамиздан аввалги 1 асрда Бақтрия давлатига қарашли бўлган. Айниқса Будда диний таълимоти ёдгорлигига оид Қора Тепа худудида ёдгорликлар бисёр.

БОЙСУН

Дунёнинг энг қадим ва қўҳна маданият ўчоқларидан биридир. Бу худуд кичик Осиё ва Ҳиндистон йўлида жойлашган. Ўз ҳудудида қадимий маданият заастризм ислом ва будизмни ўзига уйғулаштиради. Бу ердаги оиласарда ҳалигача мавсумий ўйинлар ва урф одатлар сақланиб қолган. Бундан ташқарии бу ерда ЮНЕСКО тасарруфида ҳар йили «Бойсун баҳори» фольклор фестивали бўлиб ўтади.

Тоғ туризми. Жаҳон иқтисодиётида туризмнинг аҳамияти ошиб бораётган бугунги кунда унинг айрим турлари борки барча туризми ўта ривожланган давлатларда ҳам мавжуд эмас. Бу албатта табиий географик шароитдан келиб чиқади. Ана шундай туризм турларидан бири бу-тоғ туризмидир. Тоғ туризмининг ривожланганлигини Алп тоғлари Билан ўралган Швейцария, Италия Австрия, Франция давлатлари мисолида яққол намоён бҳлади. Бу давлатларда Айниқса қишки тоғ туризми юкори даражада риволанган.

Республикамизнинг қулай географик шароитидан келиб чиқиб, бир қанча тоғлар билан ўралганлиги туфайли туристларни ёнбағирларига жалб қилиш учун шароитлар етарли, Айниқса рекреация зоналари ҳисобланмиш Тошкент вилояти, Фарғона водийсинг Шоҳимардон ҳудудлари, Наманганнинг Чорток, Жиззахнинг Зомин, Сурхондарё-нинг Бойсун ҳудудлари етарли даража шароит мавжуд. У ерда асосан экотуризмнинг ривожлантириш мухим аҳамият касб этади. Лекин қишки спорт ўйинлари қолаверса қишки тоғ туризмини севувчи туристлар учун етарли шароит мавжуми? Дунёнинг туризми ривожланган давлатларининг ҳаммаси ҳам қишки тоғ туризмiga эга эмас. РЕспубликамизда эса анна шундай йирик маскандар бор. Бу борада Чимён тоғ зonasини эътироф этмай илож

йўқ.

• Чимён.



Чимён тоғлари экспертлар баҳолашича саргузашт туризм ихлосмандлари учун энг қизиқарли зона хисобланади. 1960 йилларнинг ўзидаёқ бу ерга спорт инфраструктура кириб кела бошлаган. Мәҳмонхоналар, чанги йўлаклари, қутқарув станцилари, йўллар ва бошқа керакли объектлар қурилган. Бундан ташқари, у ерда экологик ва этнографик маршрутлар йўлларини ҳам ривожлантириш учун барча ресурслар мавжуд. Бундан 15 йиллар олдин Чимён нафақат Тошкент вилоятининг ташриф қофози вазифалар аҳолисига ҳам хизмат қилган. Илгари пойтахт аҳолиси кунига 3 минг киши бир кунлик, 2-7 кунлик ташриф билан дам олгани келарди. Дам олиш кунлари эса 10 000 кишига ҳам етарди. қиши пайтлари эса кунига 3500 кишини қабул қиласарди. Ҳаммани спорт, этнографик, табиий имкониятлари ўзига жалб қиласарди. Чимён нафақат катталар, балки болалар соғломлаштириш масканларини барпо этиб болаларни ўзига тортди. У ерда 10 дан ошиқ лагерлар ва дам олиш уйлари қурилди.

Ундан ташқари маҳаллий аҳоли ҳам ўз хизматларини кўрсатишади. Улар отларда сайд, йўлбошли вазифасини ўрганади, қишида чана ва чангилларини ижарага бериб туришади.

Маҳаллий аҳоли яна озиқ-овқат масаласида ҳам хизмат кўрсатиши мумкин. Улар яна ўз отларини ижарага бериб кун мобайнида уларни бутун йўлларни айлантириб гид вазифасини ўташади. Экология ишқивозлари ажойиб флора ва фауна билан танишиб уларни расмга олиш имкониятлари ҳам мавжуд. Табиати ҳам ажойиб, айниқса Қизил шар-бу тоғ тизмасининг темаси неоген давридан қолган қизил тупроқ ётқизиқлари билан пастки қисми яшил фон билан ажойиб манзара ҳосил этган.

Яна шундай ҳудудлардан бири бу Белдерсой бўлиб, бу туристик зона чорвоқ сув омборининг жанубий соҳилида жойлашган.

Йилнинг исталган вақтига мўлжалланган айниқса қишки спорт турларини ўтказиш учун ажойиб шароитга эга. Эндиғи галдагии вазифа шу ҳудудларда маҳаллий ва хорижий туристларни қабул қилишда халқаро стандартларга жавоб берувчи моддий техник базасини яхшилаш, қолаверса уларни реклама қилиш ишларини яхши йўлга қўйиш зарур.

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб шунитақидлаш жоизки Ўзбекистонда туризмнинг барча турларини ривожлантиришга етарли шароитлар мавжуд. Хусусан тоғ туризми бу борада илғорларидан биридир.

**Мәҳмонхоналар, пансионатлар, дам олиш уйлари,
мотеллар, санаторийлар.**

Мустақиликка эришилгандан сўнг туристларни жалб этиш учун нафақат тарихий обидаларимиз, балки турар жойларни куриш ва уни жаҳон стандартлари даражасида барпо этиш устувор масала ҳисобланган. Бугунги кунда турар жойларимиз туристлар қабул қилиш учун терлими йўқми қўйидаги жадвалдан бироз Аникроқ жавоб топиш мумкин.

6-жадвал.

Вақтингчалик турар жойлар умумий ҳажми Мехмонхоналар, мотеллар, ётоқхоналар келувчилар учун (йил охирига)

	2001	2002	2003	2004
Мехмонхоналар, мотеллар, ётоқхоналар келувчилар учун сони (бирликда)	188	192	199	183
Шаҳар жойларда	180	183	190	175
Қишлоқ жойларда	8	9	9	8
Шу жумладан мехмонхоналар (бир)	153	159	162	168
Шаҳар жойларда	150	154	157	164
Қишлоқ жойларда	3	5	5	4
Бир вақтни узида қабул қилиш ўринлари (Койка-ўрин)	17635	18345	16544	14485
Шаҳар жойларда	16895	17595	15990	13937
Қишлоқ жойларда	760	750	554	548
Номерлар сони (бирлик)	9845	10097	8899	8002
Мехмонхоналарда ўтказилган сутка-ўринлар (минг)	1540,9	1441,3	1339,9	1153,2
Шу жумладан хорижлик фуқаролар (минг)	314,7	344,6	451,4	401,4
Жойлардан фойдаланилганлик коофициенти; фоизда	23,9	21,5	22,2	21,8
Ишчилар сони (минг киши)	4,8	4,1	4,8	4,5

Сўнгти пайтларда туризм соҳасидаги бироз пасайиш кузатилди. Бу пасайиш меҳмонхона ва бошқа турар жойлар сонининг камайиши ҳам кузатилади. Айниқса қишлоқ жойларида туристларни қабул қилиш бўйича умуман шароит йўқ ҳисоби. Шундек ҳам шаҳардан чарчаган туристлар қишлоқ жойлари экзотикасини кўриш учун келади. Ўзи меҳмонхоналар сони етарли бўлмасада мотел, ётоқхона, пансионат ва санаторийлар сони жуда ҳам кам. Қишлоқ жойларини эса қўяверинг. Хўш бу борада вилоятларимиз қандай ўрин тутишмоқда. Қайси вилоятларда аҳвол ачинарли 9-жадвалдаги қўрсаткичдан кўриниб турибдики, фақатгина Тошкент ва Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида аҳвол бир мунча яхши бўлган. Лекин у ҳам йилдан йилга камайиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Кашқадарё, Сирдарё, сурхондарё вилоятларида аҳвол ачинарли

ҳоалтда. Мехмонхоналар ва бошқа турдаги ётоқхоналар етишмаслиги кузатилади. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзидагина мужассамланган меҳмонхоналар билан республикамиз туризм ҳамда туристларга хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириб бўлмайди.

7-жадвал

Туристлар учун Мехмонхоналар, мотеллар, ётоқхоналар регионлар бўйича (йил охирида)

	Бир вақтни ўзида қабул килиш, койко-ўрин				Ҳар 1000 кишига ўринлар сони			
	2001	2002	2003	2004	2001	2002	2003	2004
Ўзбекистон Республикаси	17635	18345	16544	14485	0,7	0,7	0,7	0,6
Қорақалпоғистон Рес- публикаси	563	563	471	266	0,4	0,4	0,3	0,2
Вилоятлар								
Андижон	460	390	399	359	0,3	0,2	0,2	0,2
Бухоро	1576	1545	1622	1935	1,1	1,1	1,1	1,3
Жиззах	460	434	430	424	0,5	0,4	0,4	0,4
Қашқадарё	518	518	504	504	0,2	0,2	0,2	0,2
Навоий	611	609	565	463	0,8	0,8	0,7	0,6
Наманган	639	787	991	886	0,3	0,4	0,5	0,4
Самарқанд	2090	2043	1983	1729	0,8	0,7	0,7	0,6
Сурхондарё	364	458	463	523	0,2	0,3	0,3	0,3
Сирдарё	52	53	53	53	0,1	0,1	0,1	0,1
Тошкент	2107	2107	1425	1158	0,9	0,9	0,6	0,5
Фарғона	1286	1188	867	734	0,5	0,4	0,3	0,3
Хоразм	629	665	661	663	0,5	0,5	0,5	0,5
Тошкент ш.	6280	6985	6110	4788	2,9	3,3	2,9	2,2

Бугунги кунда Республикаизнинг энг кўзга кўринган меҳмонхоналари қуидагилар киради:



1. Интерконтинентал Тошкент
2. Ўзбекистон
3. Дедеман грант Мир
4. Шеротон Тошкент

5. Шодлик Палас
6. Буми Тошкент Интерконтинентал
7. Президент меҳмонхонаси
8. Афросиёб Палас
9. Бухоро турист
10. Хоразм Палас
11. Бухоро Палас

ва бошқа 2 - ва 3 юлдузли меҳмонхоналар мавжуд. Шунга қарамай бугунги кунда шаҳар атрофидаги жойларда ташкил этилаётган табиат билан ҳамнафас бўлиш учун туристлар қолаверса, маҳаллий аҳоли шаҳар ташқарисида дам олишни хуш кўришмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда бизда ҳам худди шундай шароит ва талабга жавоб берувчи масканлар бор. Жумладан мисол сифатида, Чорвоқ оромгоҳини кўрсатиш мумкин.

Чорвоқ оромгоҳи.

Чорчоқ оромгоҳи Тошкент атрофида жойлашган. «Чорвоқ оромгоҳи» меҳмонхонаси пирамида кўринишида қурилиб, 3 та пирамидадан ташкил топган. Чорвоқ сув омборининг чап қирғоғидан ўрин олган. Тянб-Шанъ тоғларидан ўтиб, Угом, Пском дарёлари қуийладиган ушбу сув ҳавзаси тўлганда 2 млрд м³ сув ҳажми бўлиб, 40 км² жойни эгалланган. Қирғоқ зонасини зуунлиги тахминан 70 км. Чорвоқ Оромгоҳи мажмууаси йилнинг барча вақтида иш кўрсатади. 800 метрга чўзилган қумли пляж меҳмонхонадан унчалик узоқда жойлашмаган. 3 пирамида биноси соғломлаштириш мажмуасининг асосий қисми саналади. Унда 222 та шинам хоналари бор. Шу жумладан:

1 та Президент хонаси.



4 та VIP классдаги хона

17 та Люкс класс

68 та ярим люкс класс

115 та стандарт хоналар.

4 та ногиронлар учун хона

Мехмонхона спутник телевидения тизими билан таъминланган. Ҳар бир хонасида телевизор мавжуд. Ҳар бир хонада кондиционер билан таъминланган.

Бундан ташқари «Чорвоқ Оромгоҳи» меҳмонхонасида мавжуд:

- Ресторан (200 кишига мўлжалланган)



- Кечки Бар



- Сауна

- Тиббий пункт

- Массаж хонаси

- Конференц зал (150 киши учун)

- Бизнес-Марказ (Интернет, факс, электрон почта, ксерокс ва бошқа котиблик ишлари учун мўлжалланган).

Соғломлаштириш мажмуаси майдони тахминан 130 гектар бўлиб, унда қуидаги-лар жойлашган:

- ёзги бассейн.
- ёзги ресторан (банкет ва бошқа маросимлар учун)
- бадминтон, волейбол, баскетбол ва мини футбол майдончалари
- болалар ўйин майдончаси
- ёзги театр (эстрада ва театр артистлари учун)
- соҳилда фойдаланиш буюмлари ижараси
- автомобиль тўхташ жойи.

2.2. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё туризмида

тутган ўрни.

Ўзбекистонда туризмини ривожлантириш борасида фикр юритиш эканмиз. Марказий Осиё давлатлари туризмини четлаб ўта олмаймиз. Чунки халқаро эксперталар ва бошқа давлатлар вакиллари Ўзбекистон туризмини алоҳида эмас, балки Марказий Осиёдаги мавқеига нисбатан олишади.

Ўзбекистонга кириб келаётган чет Эл фуқароларини таҳлилига кўра Ўзбекистон Марказий осиёда 2-ўринда бормоқда. Шу ва бошқа кўрсаткичларни қуидаги жадвал орқали кузатиш мумкин.


8-жадвал Марказий Осиё давлатларининг туризмидан олган фойдалари (2002-2005).

	Ўзбекистон		Қозогистон		Қирғизистон	
	2002	2003	2002	2003	2002	2003
Халқаро туристлар кириб келиши	332.000	251.000	2.832.000	2.410.000	-	1.401.000
Чет эл туристларидан олинган фойда (евро, доллл)	72 млн €	48 \$	657 млн €	638 млн \$	-	65 млн \$
Ҳар 1 кишига тўғри келган фойда (евро)да	3 €	2,5 \$	39 €	38 \$	-	17 \$

Жадвалдан кўриниб турибдики охирги 2002-2003 йилларда Ўзбекистон туризмида сусайиш кузатилди. Биз ҳатто Қирғизистонга ҳам бу борада имкониятни бой бериб қўйдик. Жон бошига атиги 3 евро, бу умуман шунга туристик ресурсларга эга давлатга бутунлай хос эмас. 2004-2005 йиллар мобайнида Ўзбекистон халқаро туристларни қабул қилишда ўзгаришлар рўй беришини бу жавобга қуидаги кўрсаткичлар жавоб бўла олади.

З-график

2002-2005 йилда туристлар кириб келиши (минг киши).



Бироз ўз мавқеини тиклаб олгандек кўринмоқда. Тўғри 2003-2004 йилларда тушиб кетган натижаларнинг ҳам ўзининг турли сиёсий маъно касб этган. Ва минтақадаги бироз нотинч вазият ҳам сабаб бўлган бўлиши ҳам мумкин. Шунга қарамай бугунги кунда Марказий Осиё қўшни давлатлари Япония, Эрон, Германия, Франции, Туркия каби ривожланган давлатлар қаторида Россия ва МДҲ мамлакатлари туристлари улуши салмоқли бўлмоқда.

Республикамизнинг айнан қайси худудларига маҳаллий ва хорижий туристлар қатнови кўпайиб, қайси худудларида камлигини қуидаги жадвал орқали кузатиш мумкин.

9-жадвал

2004 йил қабул қилинган туристлар сони (минг киши).

	Жами	Шу жумладан хорижликлар
Ўзбекистон Республикаси	517,5	262,8
Қорақалпоғистон Республикаси	1,0	-
Вилоятлар		
Андижон	7,2	-
Бухоро	67,9	50,2
Жizzах	16,4	0,4
Қашқадарё	27,1	1,9
Навоий	3,9	3,7
Наманган	6,5	-
Самарқанд	78,5	40,6
Сурхондарё	12,1	10,2
Сирдарё	-	-
Тошкент	62,7	-
Фарғона	13,9	0,5
Хоразм	46,9	23,5
Тошкент ш.	173,4	131,8

Юқоридаги жадвални таҳлил этиш шуни кўрсатдики ҳали ҳамон ўша Бухоро, Сармарқанд, Хива шаҳарларига ва пойтахт Тошкентда туристлар кўп қабул қилинмоқда.

Айниқса аксаият кириб келаётган чет эллик туристларни қабулии ҳам шу шаҳарларларга тўгри келмоқда. Қорақалпоғистон, Сирдарё каби худудларимиз деярли ҳеч кимни қабул қилмаган. Демак бу худудлар туристларни жалб қилиш борасида ҳеч нима қилмаётгандек гўё, мисол учун биргина Орол муаммосини кўтариб туристларни жалоб қилишнинг турли хил лойиҳаларини тузиб бтун Дуне жамоатчилигини жалб этиш мумкинлигини Қорақалпоғистон Республикасига уқтирумасак ҳам ўзлари билишади.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти Марказий Осиё давлатларида туризмни ривожлантириш шарт шароитларини ўрганиб чиқиш билан бирга унга ўзига хос 5 баллик иккала рейтинг баҳоси ҳам қўшиб чиққан уни қўйишида турли манбалардан фойдаланган, албатта.

10-жадвал






Айrim кўрсаткичлар бўйича БТТ Марказий Осиё давлатлари рейтинги.

	Ўзбекистон	Қозоғистон	Қирғизстон	Туркменистон	Тожикистон
Дикқатга сазовор жойлар-					
нинг сифати	4,7	3,0	4,0	3,4	4,0
Инфраструктура	3,1	3,0	3,0	3,5	3,5
Жойлشاув	3,2	3,0	2,9	3,6	4,0
Хизмат кўрсат.	3,4	3,5	3,5	3,3	4,0
Меҳмондўстлик	4,1	3,5	3,3	3,5	4,0
Экология	3,4	3,0	3,0	3,3	4,0
Юксалиш	2,4	2,5	2,5	2,5	3,0
Маданий меросни кўриқлаш	3,3	2,5	2,8	3,0	4,0
Давлат кўмаги	2,9	2,5	2,0	2,5	3,0
Ҳавфиззликни сақлаш	3,3	4,0	3,3	3,3	3,0

Козогистон Республикаси диккатга сазовор жойлари





Тоҷикистон Республикаси диккатга сазовор жойлари




Варзоб дараси

Зидди




Нурек. ш Нурек ГЭС



ва объектлар бўйича энг юқори балл бизники, лекин шунга қарамай олға силжишҳ юзасидан негадир. Бизга паст балл қўйилди. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бўлиши керак, албатта. давлатнинг туризмга кўмаги ҳам Тожисиктон ва Ўзбекистонда баланд берилди. Лекин бу дегани хусусий ташкилотларсиз ривожланиш дегани эмаску. Ахир Гутоператорларнинг 95% ини схусусий фирмалар ташкил этиб беришмода. Уларнинг кўрсатаётган хизматлари эса жуда паст баҳоланди. Демак уларнинг сони эмас, балки сифатини ошириш вақти келди. Хўш хизмат кўрсатиш яқин 10 йилдан буён қонда кўринишда олиб борилди.


4-график

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш турлари ҳажми. Экскурсия ва саёҳатлар (млрд сўм).



5-график

**:Жами пуллик хизмат курсатишда экскурсия ва саёхатнинг
улуши (фоизда)**



Юқоридаги икки диаграммани таҳлил қиласар эканмиз гарчи 1996-2000 йиллар орасида экскурсия саёҳат хизмат кўрсатишда нақд пул тушумида 2000-2004 йиллага нисбатан кам бўлсада. Умумий фоиздаги улуши сезиларли катта эди. афсуски хозирга келиб Умумий аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдаги улуши 0,9% га тушиб қолганлиги (1,7 % 1995) кишини таажжубга солади. Балки ранг баранглик етишмаяпти микан.


11-жадвал

Экскурсия ва саёҳатда пуллик хизмат кўрсатишни аҳоли жон бошига улуши (сўмда, 2004 йил)

Вилоятлар	
Ўзбекистон Республикаси	223,4
Қорақалпоғистон Республикаси	9,4
Вилоятлар	
Андижон	22,7
Бухоро	302,3
Жиззах	0,5
Қашқадарё	8,8
Навоий	34,1
Наманган	20,8
Самарқанд	416,0
Сурхондарё	8,1
Сирдарё	1,2
Тошкент	150,1
Фарғона	36,1
Хоразм	23,3
Тошкент ш.	1614,1

Ўша вазият бу борада ҳам Тошкент шаҳри Бухоро, Самарқанд вилоятларида гина жон бошига тўғри келадиган сумма миқдори каттароқ. Афсуски Жиззах (50 сўм), Сирдарё (120 сўм) бу борада ҳам энг пастки ўринларда. Бу ерларда хатто маҳаллий туристларни жалб этиш ҳам деярли сезилаётгани ачинарли албатта.

2.3. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда Буюк Ипак Йўлининг аҳамияти.



Б

Буюк Ипак Йўли (БИЙ) нинг энг гуллаган даври Марказий Осиё республикалари ўрнида 3 та давлат Парфия, Юнон-Бактрия, Конгюй давлатлари давридан бошланган бу давлатлар ўртасида доимий кураш авжида бўлган. Улар Сибир савдо магистралি, шарқий Туркистон йўли, айниқса Парканда ёки Довонийлар жойини эгаллаш учун доимий кураш олиб боришган.

Зарафшон водийси ва Довон ерларини буюк Коньюй давлати назорат қилиб турган. Довонлар йўлини Европага олиб чиқиш учун нечоғли қулай эканлигини сезган 104-101 йил эрамиздан аввалги Хитой-Довон улуши юзага келган. Бироқ Довонни Конгюй давлати (Хоразм) осонлик билан топшириб қўймаслиги маълум бўлди. Охир оқибат довон бойликларию маданиятини қўлга киритган Хитой империяси 25 йил ўтиб тинч савдо мақсадида алоқаларни мустаҳкамлаб Довон орқали «буюк Ипак Йўлини» ўтказишиди. Шундай қилиб, тахминан эрамиздан аввалги 2 асрнинг 20 йилларида Довон яъни Фарғона водийси орқали Буюк Ипак йўли кириб келди. Бу номни ипак Европа ҳаётини ҳам ҳарбий ҳам стратегик ҳом ашёсига айланганини билган немис географ-олими Фердинанд фон Ритхговен XIX асрда атаб кетган.

Ўзбекистон БИЙ ўтган давлатлар орасида сезиларли аҳамиятга эга давлатdir. Асосий БИЙ мени кўриш учун қизикувчи туристлар ҳам асосан Хитой, Туркия, Миср, Ўзбекистон, Покистон, истроил, суря каби давлатларда бўлишни ҳоҳлашади. Демак кўриниб турибдики, туризмни ривожлантиришда бошқа давлатларга нисбатан бу борада ҳам омад чопган. Лекин бугунги кунда туристларни БИЙ бўйлаб сайрга жалб этиш борасида.

Айниқса Европа, шимолий Америка туристларини жалб қилишда етарли шароит ва ресурсларга эгамизми? деган савол туғилади.

Хүш, уларни бизга қизиқишилари қандай?

6-график
Туроператорларни БИЙнинг алоҳида давлатларида билан ишлаши (%).




Диаграммадан маълумки, энг олдинги қаторда Хитой бормоқда. Тупоператорларнинг Хитойга бўлган қизиқлари жуда катта. Агар БИЙ ўтган харитага назар солсангиз асосий тўрни Ўзбекистон ҳудуди кўрасиз, лекин бор йўни 32% гина жалб этаётгани бу борада ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўплигини билдириради. Ахир Туркиядан ҳам бизда БИЙ ривожланиши эртароқ ва салмоқлироқ эканлиги барчага аён, фақатгина биз бор имкониятни намоён қилиб бераолмаяпмиз.

Шунга қараб БИЙ да туризмни ташкил этадиган асосий 5 лик давлатига кирап эканмиз. Шимолий Америка ва /арбий европани БИЙ туризмини ривожлантиришда жалб этиш керак. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда БТТ ўзининг баҳосини берган.

7-график

БИЙ туристик маҳсулотлари хизматларини баҳолаш (1).



Буюк Ипак Йўлида жойлашган давлатлар туристик маҳсулотлари ва хизматларига БТТ баҳо берар экан, энг катта банкни тарихий обидалар ва маданиятга қўйган. Мехмонхоналар ва бошқа жойлаштириш биноларини сифати, ҳавфсизлик борасида энг кичик баллни олишган. Албатта диққатга сазовор жойларни катта балла олиши турган гап. Лекин шу жойларга келиш учун ва уларни жалб қилиш учун ҳавфсизлик ва ётоқ масаласини Дуне стандартларига мос ҳолда тайёрлаб қўйиш ҳам бурчимиздир.

БТТнинг фикрича бугунги кунда БИЙ давлатларига туризмини ривожлантиришда тўсиқ бвлаётган муаммолар бисёр.

8-график


БИЙ давлатлари туристик маҳсулотлари ва хизматларини баҳолаш (2).



Юқоридаги түсик бўлаётган муаммоларнинг аксарияти ҳал қилса бўлади. Фақат озгина вақт ва тинмай меҳнат қилиш керак. Лекин масалан: Сиёсий барк-арорликка эришиши учун нафакат давлатдан балки бутун бир регион, қолаверса, ташки факторлардан бўлиши мумкин. Шунга қарамай аксарият хорижлик туристлар БИЙни туризмни юқори баҳолашмоқда.

БИЙ га саёҳатдан қоникиш

9-график



Демак БИЙ Коникиш даражаси

йўқ.

Қоникиш ҳосил қилмаганларнинг йўқлигининг ўзи ҳами бундан далолат бериб турибди. Айниқса охирги пайтларда БТРТ ЧЧ_ асрнинг муҳим туристик обьектлари қаторига киритгани, бу учун маҳсулот лойиҳалар ишлаб чиққани ҳам сўзимиз исботидир. Ва бу йўлда янада яхшилаш ва кўпроқ туристларни жалб этишда ўзининг муҳим таклифларини бериб келмоқда, жумладан:



*фақатгина ўз давлати бўйлаб эмас, балки турли қўшини давлатлар бўйлаб мари-
рутларни таклиф этши.*



- бир қанча шаҳарларни қайтадан реконструкция қилиши, йўлларни барпо этиши



туристик дастурга ўзига хос бўлган ишрик шаҳарлар атрофида жойлашган аҳоли паунктларини ҳам қўшиб қўйиш керак.



маданий бой меросга эга ҳудудларга экспурсияга олиб чиқиши ва улардаги қашшоқ аҳоли ёки кўча савдогарлари билан орадаги масофани сақлашини назоратини кучайтириши шулар жумласидандир.

Демак БТГ келажакни ўйлаб қайғурмоқдами. Биз ҳам қўл қовуштириб ўтиришимиз мумкин эмас.

З-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ.

3.1. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда тўсиқ бўлаётган муаммолар.

Бугунги кунда туризмни ривожлантириш учун ҳукумат ёрдами катта бўлаётганина қарамай туристларга хизмат кўрсатишида барибир хусусий фирмалар томонидан бўлмоқда. 2005 йил бошида лицензияга эга 351 та ташкилотнинг 290 тоаси хусусий фирмалар ҳисобланади (таксминан 90%). Рентабеллик даражаси эса шунга қарамай тушиб кетмоқда. Туризм бозорида нега бундай кўрсаткичлар тушиб кетмоқда деган саволга эксперtlар туризм соҳасидаги бошқарув ҳамда давлат ташкилотларнинг сонига Билан кўрсатишмоқда.

Ушбу ҳолатда эса асосий хулоса шуки бошқарув принципларига ўзgartиришлар киритиш кераклигин уқтиришмоқда.

I. Туризм соҳасининг мулкни бўлмиш меҳмонхоналар давлат органлари қўлида эканлиги яъни ўта марказлашиб кетганлиги туфайли самарадорлик натижалари тушиб кетган. Буларни олдини олиш учун эса қўйидаги ишларни амалга ошириш керак:

-Иқтисодиётдаги ўрнини ошириш ва келажакда уни ривожлантириш учун қатор тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиб, тадбиқ этиш.

-туризм бозорида хусусий туристик ташкилотларни фаолиятини фаоллаштириш, шу жумладан кичик корхоналар ва микро фирмалар.

-туризм соҳасини монологиядан чиқариш юзасидан керакли чора-тадбирлар қўллаш.


II. Бугунги кунда туристик ташкилотлар ва уларни фаолиятини назорат қилиш МК «Ўзбектуризм» га юклатилган. Унга асосан «Афросиёб-Палас», «Бухоро Палас», «Хива»,

«Жайхун», «Хоразм», «Ўзолмонхотелз», «Президент» каби мезмонхоналар мажмуи кира-ди. Уларга хусусий корхоналар Рақобат ҳисобланади. Лекин бу амалиёт хорижий ҳеч бир давлатда кузатилмаган. Бу ҳолатдан чиқиш йўли битта, у ҳам бўлса барча туризм соҳаси-да хўжалик юритувчи субъектларни маъмурий ва иқтисодий томондан «Ўзбектуризм» назоратидан чиқариб юборишидир.

Бу ҳодиса оқибатида эса меҳмонхоналарни нархлаш ва меҳмонхона хизматида бошқарув тизимини яхшилашга хизмат қиласди. Агарда «Ўзбектуризм» МК таркиби-га кирган меҳмонхоналар ўзларини нархларини белгилашда иштирок этгандарида эди, кириб келаётган хорижий туристлар миқдори бундан ҳам ортиқ бўлган бўларди. Афсуски, ҳозирча туристик классдаги меҳмонахоналар нархини юқоридан белгиланиши тўсиқ бўлиб турибди.

Бу борада ҳам муаммоларни ечимини топишда ҳаракат қилинмоқда. 49 та туристик фирмаларни вакиллари ўртасида доира мажлисида муҳокама қилиниб, қонунчиликка ва уни назорати, тартибга солишда баъзи ўзгартиришлар киритиш кераклигини бир овоздан таъкидлашди.

10-график
Туризм соҳасида тартибга солиш ва ва қонунчиликда ўзгартириш киритиш тавси-ялари.



1-«Ўзбектуризм» МКни мавқеини қайта кўриб чиқиши.

- 2-хусусий турагентликларни пайдо ўбилишига ҳайрихолик
- 3-лицензиялаш ва сертификациялашни соддалаштириш.
- 4-авто транспорт сотиб олиш божини кўриб чикиш
- 5- минтақада интеграция жарёнини кучайтириш.
- 6-Виза бериш режими
- 7-БТТ тасвиялари бўйича антиомонополия юритиши.
- 8-туризм соҳасида турли қонунлар қабул қилиш
- 9-хорижда реклама қилиш тизимини яхшилаш
- 10-фаолият эркинлигини яратилиши
- 11-тармоқда маъмурий бошақрувни чеклаш
- 12-спорт туризмини тасдиқлаш.

Юқоридаги диаграмма шуни кўрсатмоқдаги қабул қилиниши керак бўлган қарорлар ичидаги энг муҳими бу-Виза олиш ва бериш билан боғлиқ жараён, лицензиялаш ва сертификатлаш, фаолият эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ экан.

III. Бундан ташқари биринчи галдаги тўсиқ ва виза режимида кузатилиб Ташқи ишлар вазирлиги тул фирмадан хорижий туристнинг паспортидан нусха билан бирга ҳар бир туристнинг йўллари ҳақида, ундан ташқари ҳеч қайси халқаро тажрибида кузатилмаган туристнинг ишлаш жойидан маълумотнома сўрайди.

IV. Лицензиялаш ва сертификатлаш «туризм» тўғрисидаги конунга кўра рецезиялаш 5 йил муддатга берилади. Сертификатлаш эса ҳар йили бўлади. Шунинг учун хусусий фирмалар лицензиялаш қанча муддатда бўлса сертификатлаш ҳам шунча муддатга берилиши керак деган фикрда.

V. Бугунги кунда актуал масала бу давлат томонидан кўмак ёки имтиёз эмас, баоқи солиқ ва божхона соҳасидаги либерализация жараёни ҳисобланади. Шу мақсадда маҳаллий ҳокимият билан бевосита турфирмаларини ишлаши мақсадга мувофиқдир.

VI. Импорт товарларга юқори бож тўлови туристик авто транспортларни етиш-маслигини келтириб чиқармоқда. Мисол учун туристик классдаги 4045 кишига мўлжалланган автобусларни олиб кириш усун божхонага 30% божхона, 705 акциз солиғи, 205 ҚҚС тўлаш керак бўлади. Бу қарор ВИ 139-сонли 2002 йил 31 майда чиққан қарори ҳисобланиб келган. ВМ 316-сонли 2002 йил 25 июлда «СамКочавто» ҚҚси манфаатлари доирасида ва унинг маҳсулотларини ҳимоялаш учун 2002 йил 1 августдан бошлаб амалда кўлланилмоқда. Лекин «СамКочАвто» 40-45 кишилик автобуларни чиқармаслиги ҳимояга маълумку.

VII. Хусусий туризм бизнеси катта миллий компания олдида ҳеч гап эмас, масалан: автойўловчи ташиш соҳасида Рақобатчилик дараажси кичик, йўловчи ташиш нархи

баланд. Москвадан Бухорогача нарх 250 доллар деярли Италиягача бўлган сумма. Бу борада Туркиядан 100 долларга қиммат. Бундан ташқари хорижий авиакомпанияларни филиалларни кўпроқ очиш керак. «Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» МАК билан чет эл авиакомпаниялари ўртасидаги битимларни кўпроқ тузиш керак.


VIII. Республикамизга хорижий туристларни кириб келишида тўсиқ бўлаётган яна бир муаммолардан бири бу туристик қатновларнинг мавсумийлигидир. Шу билан бирга қатновлар авжига чиқиши муддатини қсиқалигидир. Худди шу муаммони олдини олиш учун турли хил тадбирлар, фестиваллар, мисол учун б гуллар байрами, қовунлар намойиши, от йўлини «Улоқ» лар ўтказишини йўлга қўйиш керак.

3.2. Туристларни қаердан қандай жалб этамиз.

Туристларни жалб қилишда ўзимизнинг турмаҳсолотимизни қайси бозорга олиб чиқи шва кимга сотиш биз учун қулай? Агар Ўзбекистон шаҳарлари мусулмон оламининг бир қисмлигини назарда тутсақ, Бухоро ва Самарқандда ислом маданияти муқаддас даргоҳлари борлигини инобатга олсанг энг қулай вариант бу: Ўрта ва Яқин Шарқ давлатлари, Жанубий Осиё ва шимолий Африка ҳисобланади. Бироқ ушбу давлатлардаги сиёсий нотинч вазият. Терроризм, ҳавфсизлик нуқта назардан қаралса, афсуски бекор. Лекин вазиятга бир шахсга эмас, баоки уюшган маълум бир сайёхлар грухини тузган ҳолда жалб қилиш бу бошқа масала.

2004 йилда дунёning турли регионларидан ташриф буюрганлар таркиби (%) да).

11-график



Шунинг учун ҳам бу худудлар бозорини «ёпиқ» деб ҳисоблашга ҳали эрта. Уларга виза беришни бироз бошқача йўлини қўллаш керак. Тўғри уларга алоҳида эътибор беришга тўғри келади. Лекин буларни ҳамма туристлар сонини ортиб кетиши олдида арзимаган жараён бўлиб қолади.


Яна бир катта бозор бу Россия бўлиши мумкин. Замонавий рус ёшлари бизни туризминимизни яхши билмаслиги мумкин ва қизиқтириш керак. Агарда Европа ва Япониядан асосан нафақадаги аҳоли келаётган бўлса, Хива ахборот маркази хабарларига қараганда сўнгги пайтларда Россия ёшларини қизиқиши ортиб бораётгани маълму бўлмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки бугунги кунда Марказий Осиё турфирмалари ўртасида «Буюк Ипак Йўли»ни эгаллаш борасида Рақобат кетмоқда. Тарихий обидаларо бизда ҳамма йўл биз орқали ўтган деб ўтираверсак бозорни бериб қўйиши аниқ. Бугунги қун қун сайин янгилик ва силжишни талаб қилмоқда.

Кўпгина ўзимизнинг туроператорларимиз фирмича Ўзбекистон туризмининг келажаги нафақат маданий, археологик, тарихий туризмда балки бугунги кунда экологик туризм олдинги ўринларга чиқиб олганлигини таъкидлашмоқда.

Ўзбекистонда энг келажаги порлоқ туризм турлари (% да)

12-график



- 4-спорт экстремал
- 5-томушабоп турлари
- 6-архитектура ёдгорликларига экскурсия
- 7-диний
- 8-мумтоз (классик)
- 9-ички
- 10-аралаш
- 11-отда юриш
- 12-ов
- 13-соғломлаштириш ва рекреация
- 14-саргузашт экзотика
- 15-максус турлар
- 16-этнографик
- 17-археологик
- 18-жавоб бермаганлар.

Шуларга қарамай бундан ташқарии халқаро эксперталарнинг тоғ, дарё, ов бу Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон туроператорларининг устувор жиҳатлари деб уқтиришга қарамай Ўзбекистон туроператорлари ҳам бу борада чекинмоқчи эмас.

Бундан ташқари келажаги катта турларидан бири бу иш фаолияти туризмидир. Худди шу соҳани ривожлантириш учун эса Тошкент катта салоҳиятга эга. Марказий Осиёда ўтадиган халқаро бизнес формуласири ўтказди. Уларни ҳар йили такрорлаш ҳам бу соҳада катта муваффақият келтириши мумкин.

Бундан ташқарии ЮНЕСКО тасаруфидаги обьектларимизни жаҳонга реклама қилиш. Айнан туроператорлар ва турфирмалар орақил ЮНЕСКО ёрлиғи олиб келиши мумкин. Халқаро ташкилотнинг тажрибасидан имкон борича унумли фойдаланиш, у орқали йирик реклама агентликларини жалб этиб қўшма лойиҳларни амалга ошириш ва натижада секин аста халқаро майдонда ҳам ўз ўрнини эгаллаш мумкин. Лекин бунинг учун қандай ишларни амалга ошириш керак. ЮНЕСКО ташкилоти маслаҳтига кўора.

Ахборотларни етказиш ишларини ташкил этиш керак, жумладан:

- йўриқномалар туристлар учун
- брошюралар
- оммавий ахборот воситаларидан
- фильмлар
- интернет
- хариталар

-йўл қоидаси китобчалари
-экскурсаводлар ишлаб чиқиш керак.

Ўша худудни сирлилиги ва қизиқарлилик даражасини ошириш учун эса:

- ўша худудни тарихи ва афсонаси ҳақида сўзлаб бериш.
- объекдаги ҳаёт ҳақида тасаввур уйғотиш
- тасавурлари билан бирга ўша ҳодисада уларни ўзини иштирокини ҳам таъминлаш
- тасаввурни аҳамиятини сезиларли даражада ошиши учун ҳаракат қилиш
- асосий эътибор унинг сифат ва нозик қирраларига қаратилган бўлиши керак.

3.3. Туризмнинг ривожланишида дуне тажрибасидан

фойдаланиш.

БТТнинг фикрича бугунги кунда Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 8 асосий афзалликлари мавжуд:

1. Қулай географик жойланиш (Буюк Ипак Йўли чораҳасида);
2. Ранг баранг ландшафтлар;
3. Асосан буюк Ипак Йўлида жойлашган бой маний мерос;
4. Барҳаёт бой анъана ва урф-одатлар;
5. Самимий меҳмондўстлик;
6. Турли хил ажойиб таомлари;
7. Бошланғич инфраструктура;
8. Мехнат ресурсларининг нисбатан арzonлиги.

БТТнинг фикрига кўра юқоридаги жиҳатлар билан бирга Ўзбекистонда туризмни устуворлигини оширишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш керак;

- Ташкилотлараро координация;
- Ҳавфсизликни янада яхшилаш;
- Инфраструктура ва транспорт алоқаларини ривожлантириш
- Расмиятчиликни яна соддалаштириш;
- Имидж ва маркетинг
- Маҳсулот ва хизматларни жаҳон бозорига олиб чиқиш (хорижий тилларда ҳам);
- Янги технологиялардан кенг фойдаланиш (жумладан Интернет).

Юқоридаги ҳал қилиниши керак бўлган масалалар ичida менинг назаримда имидж ва маркетинг масаласи галдаги муҳими саналади.

Туризм ўзи бу-Улкан дуне бозоридир. Ўз макониятларини яхши билган ва уни ишга сола билган давлат учун иқтисодий ривожланиш воситасидир. Шунинг учун ҳам хорижий туристларни жалб қилиш учун дунёда шиддатли Рақобат юзага келмоқда.

Ютуқнинг асосий омили эса бу миллий маҳсулотни етказиб бериш санъатидир. Илгари алоҳида курортлар рекламаси кетган бўлса, ҳозир бутун бир давлатнинг туристик брендига асосий рол ўйнамоқда. Бу ўзини тўлиқ оқалмоқда. Чунки бу нафақат туристларни жалб қилиш балкит чет Эл инвесторларини ҳам олиб кириш воситаси деб қаралмоқда.

Худди шундпй тадбирга биринчилардан бўлиб қўл урган бу Испания бўлди. Унинг ортидан Сингапур, Туркия, Малайзия, Греция, Руминия кетишди, Испаниянинг ўзининг расмий логотипи мавжуд. У бутун давлатнинг юзи ҳисобланади. Оч қизил қуёш рангидаги ҳафрлар билан **ESPAÑA** деган ёзув билан берилади. Руминия логотипи бироз оригинал кўринишида бўлиб. Нимаси бўлса шу билан келтирилган яъни тоғ, денгиз ва қуёш. Шунга ўхшашиб логотипларни яратишида професионаллар иштирок этишади. Булар асосан Интернет сайтларида кўриниб ўзига хос «ташриф қозоги» вазифасини ўтайди. Бу эса юқори сифатли маркетинг хизматидан далолат беради. Ҳозирги пайт дунёни маркетинг бошқариб келмоқда. Шунинг учун ҳам давлат табиий, тарихий, маданий туристик ресурслари ва салоҳияти улкан бўлишига қарамай етарли бу соҳада билими бўлмаса бозорни эгаллай олмайди.

Брендлар фақат бор ва мавжуд нарсалардан иборат бўлиши керак. Акс ҳолда у ёлғонни кўтартмайди. Бу туризми келажагига ҳавф солиши мумкин. Биринчи галда давлатнинг ўзи ўзи ҳақида қандай ўйлайди ва нима деб ўйлайди. Мисол учун Франция, Миянгизга даров ресторанлар Рено автомобили, Пежо автомобили, Эйфел минораси ва Напалеон келади.

Биз ҳам шундан кейин унинг спорти, маданияти, ошхонаси, тарихини билиб сўнг унинг бошқа давлатлардан нимаси билан фарқ қилишини маҳаллий аҳолиси сингари хис эта бошлаймиз. Шундан сўнг шу давлат тўғрисида асосий ғоя ёки фикр (CORE/COA) юритамиз. Масалан: Испания тўғрисида биргина эҳтирос, энергия ва ҳаётга чанқоқликни биламиз. Улар ҳатто ўз фильмларида ҳам шу учунсурни четлаб ўтишмайди. Бу ҳам ўзига хос логотик ҳисобланади.

Дуне аҳоли ва халқаро туристлар бугунги кунда манзарали шаҳарлар, овқин-сурон кўчалар, бар, дискотека ва кўнгилочар ўйинлардан кўра тинч, осуда экологик тоза қишлоқ жойлари манзараси билан уйғунлашиб кетган қишлоқ туризмини афзал кўришмоқда. Бугунги кунда Испания туризми энг илғор давлат сифатида бу борада ҳам олдинга чиқиб олди. Бу борада қишлоқ уйларида туристларни қабул қилиш олий даражада йўлга қўйилган.

Демак, Испания қишлоқ уйларидаги туристлар қабул қилиш шароитларини кўриб чиқамиз.



Испания қишлоқ уй эгалари (операторларга қўйиладиган талаблар).

- туристик жойлаштириш воситаси сифатида рўйхатдан ўтиш
- фуқаролар учун масъулият. Суғурталаш 150 000 евродан кам бўлмаган ҳолатда.
- расмий ҳисобларни расмийлаштириш
- алоқадаги шахсга тура ржой тўғрисидаги ва жадвал мълумотларини етказиб бериш.
- кеча ва кундуз сткалик хизмат кўрсатишни яратилиши
- ҳавфсизлик (врачлар ва бошқалар) ва туризм тўғрисидаги ахборотларни 2 тилда ишлаб чиқилиш
- меҳмонларни рўйхатдан ўтказиш
- меҳмонларга телефон кеарк бўлган вақтда таъминлаш
- материаллар: ўша жойнинг характеристига тўғри келувчи
- бинолар ўша жойнинг ландшафтига мос қурилиши керак.
- жойлашув: 16 номердан кўп бўлмаслиги ва 4 кишилар номердан ошиб кетмаслиги керак.
- ўлчови 15 кв метр ҳар бир меҳмонга.

12-жадвал

Меҳмонхона номерларининг имкониятлари.

Номер	Минимал майдон (квм)
Бир кишилик	9
Икки кишилик	12

Уч кишилик	15
Тўрт кишилик	18

Хожатхонағдуш: хонанинг 50% дан ҳар бир 4 меҳмонга 1 тадан. Ӯ

Иссиқ сув: 45^0 дан кам бўлмаган ҳолда.

Тўшак: 90/180; 135/180.

Тўлиқ чойшаблар билан таъминлаш.

Кўриниб турибдики Испания бу борада ҳам кўпгина ривожланган давлатлар қатори илфор ўринларда. Ривожланаётган давлатлар учун эса ўзига хос мактаб ва қўлланма сифатида кўришимиз мумкин. Тўғри Ўзбекистонда ҳали бу даражага чиқиш учун вақт бор, лекин аҳолисининг деярли 60% и қишлоқда яшовчи ва ўша ерда меҳнат қилувчи ва маҳаллий ерларни яхши билувчи Ўзбекистон аҳолиси шароит яратиб берилса албатта улкан марраларга эришади. Сўнгги йилларда айниқса шунга ўхшаш тажрибани Тошкент вилояти тоғли қишлоқларида эксперимент сифатида ўтказиб кўриш зарур. Ахир Чорвоқ зонаси энг қулай варианту. Қолаверса, бошланғич инфраструктураси ҳам бор. Масаланб Узоқ шарқ ёки /арбий Европа туристлари бўлмаса ҳам бошланишига МДҲ давлатлари туристларини «чорвоқ оромгоҳига» жойлаштириб, сўнг у ердан эксперимент сифатида Бирон бир яқин қишлоқда барпо қилинган меҳмонхонага максимум 2 кунлик саёҳат уюштирилса, шу баҳонада секи наста ишлар юришиб кетган бўларди. Бунинг учун худо бизни табиат томонидан асло сикиб қўймаган.

Х У Л О С А

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки Ўзбекистон бой маданий мерос, улкан туристик заҳираларига бой давлат сифатида намоён бўлмоқда. Буни Ўзбекистоннинг ёшу қариси билади. Масалани бошқа томони эса уни жаҳон бозорига олиб чиқиш, кўрсатиш муаммоларидан. Муаммолар ҳақида гап кетганда З бобдаги фикр ва муроҳазалар ўринли деб ҳисоблаш керак. Чунки ички туризмни кўтармай туриб, Ўзбекистонда туризм маданийатини шакллантирмай туриб халқаро туризм бозорига йўл йўқдир.

Бугунги халқаро туризм шуни кўрсатмоқдаки, улкан туристик салоҳиятга эгалик қилиш бошқаю, уни тўғри йўлга солиб, бор шароитдан унумли фойдаланган ҳолда дунега олиб чиқиш бошқа экан. Рақобатчиларнинг турли эксперимент ва хатоларидан ўрганиш ва уни ўзида синааб кўриш керак бўлади. Бу борада хукуматнинг ёрдами бекиёс бўлиши керак. Ҳаммасини оддий элементар камчиликларимизни бартараф этишда бошлаш керак. Ва бунда асло орқага чекинмай таваккал қилиш ҳам керакда. Донишмадларнинг бир ақлли гапи бор: «Хато қилсанг ҳам ҳаракатдла хато қил, асло ўтириб хато деб ўйлама, ҳеч

бўлмаса уни ростдан ҳам хато эканлигига ўзинг гувоҳ бўласан» салбий натижа ҳам аслида натижадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.-Т., «Ўзбекистон», 1999.
2. Каримов И.А. ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т., «Ўзбекистон» 1997.
3. Зорин И.В., Квартальное В.А. Гольковўй словарь туристких терминов. Туризм. Турист-кая индустря. Туристкий бизнес.-М.: Афинў.; Infodkoup 1994.
4. Исмаев Д.К. Основы стратегии и планирования маркетинга в иностранном туризме. М.: ТОО «Луч» 1994.
5. Исмаев Д.К. Работа туристской фирмў по организации зарубежнўх поездах. -М.: 1994.
6. Ильина Е.Н. Туризм - Путешествия, создание туристской фирмў. Агентской бизнес: Учеб. М.: РМАТ, 1998.
7. Квартальков В.А., Романов А.А. Международнўй туризм: политика развития: Учеб. Пособие.-М.: Советской спорт, 1998.
8. Набиев Э., Қаюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти.-Т., 2000.
9. Солиев А.С., Махамадалиев Р.Й. Иқтисодий география асослари.-Т., 1996.
10. Солиев А.С., қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва Амалий масалали-ри. Т., 1999.
11. Солиев А.С. Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсати. Маъruzалар матни. –Т., 2000.
12. Солиев А.С. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. Т. «Университет» 2003.
13. Тухлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти.-Т., 1998.
14. Тухлиев Н., Таксанов А.А. Национальная экономическая модель Узбекистана.-Т., 2000.
15. Таксанов А.А. Экономика большого туризма. Т., 2000.
16. Иностраннўй туризм. М.: Финансў и статистика. 1998.
17. Вўсшая школа по туризму и гостиничному хозяйству. 1996.
18. Правила предоставления гостиничнўх услуг в Республике Узбекистан. №389.
19. ГОСТ-28681. 0-90. «Стандартизация в сфере туристского – экскурсионного обслужива-ния. Основнўе положения.
20. Указ Президента РУз «Государственная программа развития туризма до 2005 года» от 15 апреля. 1999.
21. закон «О туризме» от 20 августа. 1999.
22. Маркетинг в туризме: Учеб. Пособие.-М.: РМАТ. 1996.

23. Менежмент туризма: Учебник. –М.: РМАТ, 1996.
24. Экономическое обозрение. № 6 (69) 2005.
25. Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт. Халқаро илмий амалий конференция материаллари. Тошкент., 30-31 январ. 2006.
26. Travel guide Uzbekistan. National company Uzbektourizm 2003.
27. Travel guide Uzbekistan. Webcome to Uzbekistan. Uzbekistan airways. 2003.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

28. WWW. REVIEW.UZ.
29. WWW. CER.UZ.
30. WWW. WORLD-TURISM.ORG.
31. WWW. JARTOUR.RU.
32. WWW.CONTINENT.KZ
- 33 WWW. UZBEKTOURISM.UZ.

Диссертацияда келтирилган Ўзбекистон бўйича барча статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасидан олинди.